



Ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида маиший хизмат кўрсатишни яхшилаш кўп жиҳатдан соҳадаги ишларга илмий ёндашиш, корхоналарни қайта қуриш, замонавий техника билан жиҳозлаш ва кенгайтиришга доир лойиҳа-смета ҳужжатларини ишлаб чиқишга боғлиқ. Булар ва шунга ўхшаш кўплаб вазифаларни пойтахтимиздаги «Ўздавмаишйтехнология» институтининг жамоаси амалга оширмоқда. Биз институт директори Улугбек Тошпўлатов билан бу борада қилинган ишлар ва келгуси режалар ҳусусида суҳбатлашдик.

— Улугбек Каримович, аввало сиз раҳбарлик қилган илмий муассасанинг асосий фаолияти йўналишлари тўғрисида гапириб берсангиз.

— Бажонидил. Биз ҳозирги давр талабидан қилиб чи-

хига қанча электр қуввати, ёқилғи, иссиқлик энергияси ва сув сарфланишини ҳисоблаб бердик. Хонтакта, юмпоқ мебель, турли хил қаравотларнинг илмий-техник ҳужжатлари туркуми тайёрланди. Институтнинг лойиҳалаш бўлими томонидан «Шуҳрат» қўшма корхонага трикотаж буюмлари ва қўйлақлар тикиш фабрикасининг технология ва электрлаштириш лойиҳаси ишлаб берилди. «Умид» ҳиссасдорлик жамияти биносини тавмирлаш ва жиҳозлашга мулкдорларнинг смета ҳужжатлари ҳам институтимиз ходимларининг гайрати билан юзага келди. Бу корхона учун биринчи марта пицца синиқларидан идиш тайёрлашнинг техник шартлари ишлаб чиқилди. Кейинги кимёвий усулда тозалаш фабрикасида янги ипақчилик матолатлари ишлов бериш бўйича тавсияномалар яратилди. Мулкчиликнинг турли шаклларидаги 14 та корхонага эса товар белгилари тайёрланди. Республикамиз вилоятлари, аynиқса, пойтахтимиздаги аҳолига маиший хизмат кўрсатиш меҳнат жамоалари билан алоқаларимиз тобора мустақамланиб бормоқда.

Илмий муассасаларда ХАЛҚАРО БОЗОРНИ КЎЗЛАБ

қиб, ўз имкониятларимизни қайта қуриб чиққанамизни таъкидламоқчиман. Айни пайтда юқорида айтиб ўтганлардан ташқари тикувчилик, трикотаж, кўн-атторлик буюмлари, пойабзал, ўй жиҳозлари, металл буюмлар тайёрлаш учун андозалар, паспортилар, сарф-харажатлар меъёларини ишлаб чиқиш, маиший хизмат кўрсатиш, экологик тадқиқотлар олиб бориш, махсулотларни стандартлаш, метрология ва сертифицициялаш ишларини бажарамиз. Шунингдек, мулкчиликнинг турли шаклларидаги корхоналар ва тижорат дуконлари ташкил қилишга доир таъсис ҳужжатлари тайёрлаб берамиз. Булардан ташқари мол белгилари, ерликлари, тамгалари ва бошқа шунга ўхшаш нарсаларни ишлаб чиқиш, уларни қўйайтириш, тартибдор, бадий безак ишларини бажариш, тижорат, маслаҳат ва воситачилик хизматлари кўрсатиш ҳам диққат эътиборимизда. Буларнинг аксарияти буюртмалар асосида бажарилади.

— Кейинги пайтда қилинган ишларга тўхталиб ўтсангиз.

— «Ўздавмаишйтехнология» топиширигига биноан 1-2, 4-6 ишчи ўрнига мулкдорлардан павильонларнинг лойиҳалари ишлаб чиқилди. Ҳозирги кунда маҳаллалар гузарларида одамларга ҳар томонлама қулайлик яратиб беришга эътибор берилмоқда. Шунинг эътиборига олиб, гузарларга, савдо-маиший хизмат мажмуаларининг нусхалари тайёрланди. «Ўзбексавдо» спорт мажмуида сартарошхоналарга мулкдорлардан бадий-конструкторлик ишланмалари тайёрлаб берилади. Яққарай тумани ҳокимлиги учун кўрғазмалар тартибдор тахтаси, шунингдек Республика ЭКСПО маркази кўрғазмаси жиҳозланди. Бундай мисолларни яна кўплаб келтириш мумкин. Институт ҳақида ишлар ҳажми 1994 йилда ун-дан олдинги йилга нисбатан 104,5 фоизни ташкил этганининг ўзи жамоамиз ўз олди-га қўйилган вазифани адо этганини кўрсатиб турибди.

— Институтнинг маиший хизмат соҳасидаги корхоналар билан алоқаларни мустақамланиб бораётган экан...

— Турри. Масалан, утган йили Тошкентдаги «Римп» ҳиссасдорлик жамияти биз билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Улар тузилган шартнома бўйича силлиқчилардан дастхона, фичча печкалар, турли хил қарнишлар, патнислар, ошқона столлари, металл эшиклар ва бошқа нарсаларнинг конструкциялари, норматив-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари корхонанинг 12 та пе-

— Бозор иқтисодиети шароитида институт ўз фаолиятини мунтазам ривожлантириб бориш йўллариини изламоқда. Маиший хизмат кўрсатиш соҳасида кишлоқ ҳужаймаларида банд бўлган аҳолини жалб этиш мақсадида жамоамиз қулай, унча катта бўлмаган, катта иқтисодий фойда келтирувчи шохобчалар: шунингдек, маиший хизмат шохобчаларининг лойиҳаларини тақлиф этмоқда. Материаллар ҳалқ истеъмоли моллари, ностандартиштирилган ҳижоаларни ташкил этиш ва қурилиш материаллари ҳамда ишлаб чиқариш чикиндиларидадан фойдаланган ҳолда турар жойлар қуриш мақсадида «Эко-сан» халқаро жармари «Билан ҳамкорлик йўлга қўйилди. Келгусида пойтахтимизнинг аҳоли зич яшайдиган жойларида маиший хизмат кўрсатиш шохобчалари смета ҳужжатларини барпо этиш қўлда тутилмоқда. Ташки иқтисодий фаолият юритиш ва қўшма корхоналар тузиш мақсадида бақуваат хорижий шериклар то-шилиб, ҳамкорлик йўлга қўйилди. Булардан ташқари, соҳадаги корхоналар билан биргаликда махсулотлар ва хизматларни сертифицициялаш бўйича ишлар амалга оширилади. Бу эса халқаро бозорга чиқиш имконияти беради.

— Институтнинг маиший хизмат соҳасидаги корхоналар билан алоқаларни мустақамланиб бораётган экан...

— Турри. Масалан, утган йили Тошкентдаги «Римп» ҳиссасдорлик жамияти биз билан ҳамкорликни йўлга қўйди. Улар тузилган шартнома бўйича силлиқчилардан дастхона, фичча печкалар, турли хил қарнишлар, патнислар, ошқона столлари, металл эшиклар ва бошқа нарсаларнинг конструкциялари, норматив-техник ҳужжатлар ишлаб чиқилди. Бундан ташқари корхонанинг 12 та пе-

Саъдулла ШОДИЕВ



Муаллим — ҳаёт чароғбони дейдилар. У онгла-римизга энг соҳали, қалбимизни янаш иштиқига тўлдиради. Тажрибали ўқитувчи Ҳосият Узоқова ана шундай фидойи инеокорларимиздан бири.

Инсон учун ҳаётда пешона тери билан топан ҳалол маблағи эвазига хотиржам яшашдан ортиқ бахт йўқ. Кимки ўз ҳаёт йўлида туғри бўлса, ўз топганига қаноат қилиб, узглар ҳақида қўз олайтирмаса, юлғичлик, очқузилик, порахўрлик каби иллатлардан узини олиб қочса умрини ҳузур-ҳаловатда, беҳавотир ўтказад. Ҳаётда хотиржам, ҳалолу пок яшап саломатлик ва фаровонлиқни таъминлайди.

Омонатга хиёнат қилган, беш қўнлик дунёда яшаб қолиш, де-узини утга-чўққа урган киши ҳеч қачон рўебга чиққан эмас ва чиқмайди ҳам. Бунинг устига унинг рўзғоридан на кўт бўлади-ю, на барака ва на хотир-жамлик. У мумай пулга ружу қилиб, нопок йўлга кирган пайтидан бош-лаб, бу нарсалар уни мангуликка та-рқ этади.

Ешларимиз мана шу икки хил турмуш турини танлаган кишиларнинг мақсад-ниятларини бир-бири-дан фарқлай олсалар, қандай яшап керак-у қандай ишлардан узларини тийиш лозимлигини тезда илгаб ола-дилар. Чунки улардан бирининг ҳаё-даги ўрни барча ҳолис ниятга, соф-дил кишиларда меҳру муҳаббат уйғот-са, иккинчиси ноҳуш бир кайфият уйғотиб, одамларнинг нафратини қўз-ғайди.

Яхши билан ёмонни фарқлай бил-маслик, олқаш билан қарғишнинг маъносини тушунамаслик, ҳаёт ма-зунини фақат с-бичиш, қандай қи-либ бўлса-да пул топиш, мол-дунё

йигиш ва бекаму қўст яшашни уйлаш нодонликдир. Бу йўлда тинмай елиб-югурган кишилар дунёда бойликдан кура муқаддасроқ туйғу худди ўзи бахт-саодатли бўлишни истагандек, бошқа инсонларга ҳам бахт келтиришни, меҳ-ру шафқат кўрсатишни, беминнат хиз-мат қилишни, кишиларнинг огирини енгил қилиб дуосини олишдек олижа-ноб, чин инсоний туйғулардан бегона-диллар.

Инсонийлик фазилатлари ТЎҒРИЛИК — САОДАТДИР

Инсоннинг инсондек яшашни учун пул топиш йўлини билиши ҳам бола-чака гамини с-б, захира тулпашни ҳам зарурий нарсалардан ҳисобланади, ле-кин унга ҳалол йўл билан, илбила-ромлик билан эга бўлиш ва фаровон яшашнинг ҳеч қандай айби йўқ. Бироқ фаровон яшайман, деб ҳамма нарсани-ниг қадру қимматини пул билангина белгилан, барча эзуликларни пулга ча-қиш, биронни қамбағал қилиш ҳисоби-га ўзи бойиб кетиш утакетган пасткаш-лик ва гумроҳликдир. Чинакам инсон инсофли, диенатли, саҳий қалб ва ҳо-жатбарор бўлишни керак. Чунки бу фа-зилатлар кишиларнинг икки дунёсини обод қилиб, номини абадийлаштира-диган ва келгуси авлодлар ҳам эслаб юрадиган ноеб неъмат ҳисобланади. Халқимизда «Олтин олма дуо ол, дуо олтин эмасми?» деган қўл ибратли на-қл бор.

Ривоят. Қадим замонда фарзанд кўрмаган бир донишманд киши ки-шилик емиш гамлаб қўйиш учун бозорга борибди. Ҳамма керакли нарсаларни харид қилиб, ўзи қутара олмгани сабабли, ҳаммол еллашга мажбур бў-либди. Дарҳол икки забордаст йигит хизматга шайланиб, юкларни қутари-шибди. Манзилга етгач, чол уларга анчагина хизмат ҳақи бериб, рози қилибди. Йигитларнинг бири пулни

олиб шошилганича яна бозорга раво-на бўлибди. Иккинчиси эса пулни чапалланганича уйлиниб қолди. Не-гаки, донишманд чол кампири билан вайрона бир ҳовлида гарйбона яшар, шундай бўлса ҳам саҳий эканлар.

— Менга пул керакмас, — дебди ҳалиги йигит, Сизга ўз отамдек ҳолис хизмат қилдим.

— Нега олмайсиз, болам, ахир бу сизнинг ҳалол меҳнатингиз баҳоси-ку, — дебди чол, — эки кам деб қўн-лингиз тулмалими?

— Йўқ, йўқ, — дебди йигит қатъий гапириб, менга пул керак эмас, дуо керак. Мени дуо қилинг, зора сизнинг ёшингизга етсам, — дея йигит пулни қайтариб берибди.

— Ҳа, бундай денг, — дебди чол, — ундай бўлса қўлни очинг.

— Аввало, Олло таоло умрингизга барака берсин, қолаверса, тупроқ ол-

ДОПЗАРБ МАВЗУГА БАҒИШЛАНДИ

Мамлакатимиздаги энг кекса билим даргоҳи ҳисобланган Тошкент Давлат университети бу йил узининг 75 йиллик дўйини кенг нишон-лайди. Университетнинг факультетлараро Ўзбекистон тарихи кафедраси ташаббуси билан тарихимизнинг энг долзарб муаммоларига бағишлан-иб, республика миқёсида ўтказиладиган илмий анжуманлар хайри анъананага айланган. Яқинда бўлиб ўтган ана шундай илмий анжуманда «Кишилик жамиятининг энг қадими давридан то ҳозирги қўнғача босиб ўтилган тарихий тараққиети давомдаги миллатлараро муносабат-лар, уларнинг барқарорлиги», «Худудимиздаги миллатлар ва элатлар ҳамкорлигининг истиқболлари» каби қизиқарли мавзулар теваратиди қизгин баҳс-мунозаралар бўлди. Университет олим ва ўқитувчиларининг ушбу мавзуга бағишланган 100 дан ортиқ ишлари тулпам ҳолида нашр этилиб, кенг жамоатчиликка тақдим этилган.

Илмий анжуманда университет ўқитувчи ва олимлари — А. Саъдуллаев, А. Зоҳидов, М. Буриева, Т. Хужаев, С. Холбоев, Ш. Оразимбетов, Р. Муртазоева, У. Рашидовларнинг илмий маърузалари аynиқса катта эътиборга сазовор бўлди. Бахслар давомида А. Йўлдошев, Ш. Оразимбетов, Р. Мамажоновларнинг баъзи тарихий ҳолисалар баёнига киритган аниқликлари қўлаб-қувватланди.

Бу илмий анжуман тарихимизнинг кам еритилган ва умуман номая-дум қирраларини очиш, тарихий манбалардан туғри фойдаланиш каби долзарб вазифаларини ҳал этишдаги муҳим қадамлардан бири бўлди.

Ҳасан АБДУНАЗАРОВ,
тарих фанлари номзоди.

Дунедаги жой номларининг сонини ҳеч қим айтиб беролмайди. Эстониядек кичик мамлакатнинг узидатина 230 минг жой номи рўйхатга олинган. Майдони Ўзбекистонга тенг келадиган Швецияга 12 миллион жой номи хари-тага туширилган. Сунгги йил-ларда тузилган денгиз харита-ларига эҳдн солсангиз минг-лаб сувоити ботиклари, тоғла-ри, вулкнларининг янгилан-янги номларини кўрасиз. Хул-лас, номлар сон саноксиздир. Уларнинг турлари ҳам, ёзли-ши ва талаффузи ҳам хилма-хил.

Географик номлар 1-2-3 ҳар-фдан иборат, шунингдек, узун бўлиши мумкин. Норвегия-нинг Лофотен оролларидаги қишлоқ фақат битта А ҳарфи

Биласизми? НОМЛАР БАҲС ЭТГАНДА

билан аталади. Ю — Швеция-даги, Э — Франция ва Бельгия-даги аҳоли пунктлари. У — Франциядаги дарёлар. Лаосда ҳам У дарёси бор. Ар — Урал-даги жилга, Ош — Қирғизис-тондаги шаҳар, По — Италия-даги дарё, Да, Ла — Вьетнам-даги дарёлар, Люксембург-даги бир дарёдан «эҳтиёт» бу-линг, унинг номи — Ур! Уч ҳарфдан тузилган номлар жу-да кўп: Чад, Чув, Поп, Уфа, Рим, Буз, Эри, Эйр, Ван, Нил ва бошқалар.

Географик номларнинг «го-либлари» ҳам аниқланган. Анг-лиядати бир темир йўл стан-циясининг номи 57 ҳарфдан иборат. Янги Зеландиядаги бир шаҳарнинг номи маори тили-да 57 ҳарф билан ёзилади. Ўз-бек тилига таржимаси қуйи-дагича: «Таматеа Покар Уэнда ўз машқасига най чалиб бер-ган тепалик». Бу фақат бройза медалига муносиб. Янги Зе-ландиядаги бир тепаликнинг номи 85 ҳарфдан иборат. Энг юқори уринини Таиланд пойтахти Бангкок шаҳрига бе-риш мумкин. Унинг норасмий номи 159 та ҳарф билан ёзи-ли.

Оқила РАИМОВА
тайёрлаган.



Китоб-журнал фабрикасида қўлаб хотин-қизлар меҳнат қилишди. Уларнинг ҳар бири ўз зиммаларидан топириқларини ортиги билан сифатли қилиб бажардилар. Шулардан бири Шоира Алиевадир. У бу жамоада меҳнат қилганганига ҳали кўп бўлган йўқ. Лекин ўз касбининг моҳири синалади. Айни вақтда Шоира тайер махсулотларни қабул қилиш бўлимида меҳнат қилмоқда.

СУРАТДА: Шоира Алиева.

Рустам Шарипов олган сурат.

МУСИҚИЙ ДАСТУР

Ўзбек давлат хор капелласи узининг янги концерт дастури билан мусиқа шинавандаларини қўтиб олдилар. «Баҳор» концерт залидан намойиш этилган дастурдан XVII — XX асрда ижод этган Петр Чайковский, Сергей Рахманинов, Александр Архангельский, Дмитрий Бортнянский каби рус композиторларининг асарлари урин олган. Ижодий жамоав замонавий композиторлар асарларини ҳам юксак маҳорат билан ижро этиб, концерт дастурини янада файзли қилишга эриша олганлар. Мусиқа шинавандалари бу оқломда қалбга яқин қўнлиқ ва қўйлар тинглаб ҳушуд бўлишлар.

ОТАЛАР ЖАСОРАТИ УНУТИЛМАЙДИ

Собир Раҳимов туманидаги 134-урта мактабда «Оталар жасорати унутилмайди» деб номланган адабий мусиқий дастур бўлиб ўтди. Мактаб ўқувчилари тумандаги уруш фаришларини тақлиф этишлар. Улар уларининг бошидан кечирган уруш хотиралари, дустларининг қарамонликлари ҳақида сўзлаб бердилар. Мактаб ҳаваскорлари томонидан қўрсатишган саҳна томошалари, қўй ва қўнлиқлар кечага файз бағишланди. Шунингдек Завкий номли маданият уйи ижодий гуруҳлари ҳам ранг-баранг дастурлари билан тулпангиларини ҳушуд этидилар.

Санобар КОДИРОВА.

Бу — ҚИЗИҚ САМОВИЙ ЭЪПОНЛАР ТАХТАСИ

Одамлар ҳаётдаги оруз-истакла-рига эришиш учун нималарни уйлаб топишмайди дейсиз! Анг-лиянинг Финдхорн шаҳарчасида яшовчи талқиқотчи Жерри Томп-сон орузларга тезроқ етишишни-ниг қўйидаги гайриоддий усулини тақлиф этмоқда: унинг номи «Коинот эълонлар тахтаси» деб аталади. Қондаси эса анчагина ол-дий — бир варақ оқ қозоғ ола-сиз-да, сиз муҳтож бўлган нарсан-гизни, яъни ниманики оруз қил-сангиз, қатор қилиб рўйхатни еза-сиз. Масалан, «Менга энг сунгги нусхадаги «Сони» стереоқўрилма-си керак» эки «Мен илғиччани урғаймоқчиман». Истақлар турп-ча бўлиши, олдингила буюмлар-дан тортиб, то энг жиддий маса-лаларгача суралиши мумкин. Кейин қозонин доимо ниҳончи-гиз тушиб турадиган жойга илб қўясиз. Унга тез-тез қараб қўйи-шн унутман!

Томпсоннинг қаттиқ эътироф этишича, бу истақлар албатта амалга ошади. «Сиз Само аҳлига ўз орузларингизни ошқор этдингиз, эртами-кеч эълонингизнинг жавобингиз ҳам олсангиз».

Ушбу илтимосномангизнинг инобатга олиниши учун бир неча қондага ривоят этишга туғри келади. Биринчидан, «Самовий эълонлар тахтаси»дан бирор на-тижа чиқишга сизда албатта ишонч бўлиши керак. Иккинчи-дан, сизга ҳақиқатан ҳам энг за-рур нарсалар ҳақида сўраш ва аниқ қилиб езиб қўйиш. Учин-чидан бошқа бир кишига зарар етказадиган нарсани сўраманг, акс ҳолда қасофатни узингизга қайт-иши мумкин.

Ва ниҳоят, бу усулни қанча-лик тез-тез қўлдан турсангиз, у шунчалик яхши натижа беради.

Бахтиер ХАЙДАРОВ
тайёрлади.

НАСИЯ АСАП

Расулдуллоҳнинг саҳобаларидан бири Мадинада бир бадавнийи қурди. У асал солинган қузнини қутариб «асал сотаман» деб кетаётган эди. Саҳоба унга яқин келиб деди: «Агар пулига эртагача савр қилсанг, сотиб олариш. Кел, уйимизни қуриб ол!» Саҳоба унга пайғамбаримизнинг уйлариини кўрсатди. Кейин ўзи уйга кириб пайғамбаримизга деди: «Яхши асал экан, сизга тўхфа қилишди».

Ташқарига чиқиб, ҳалиги бадавнийга деди: «Эр-тага кел, пулингни шу ердан олсан». Эртасига бадавний келди ва пайғамбаримиздан асалнинг пу-лини талаб қилди.

Расулдуллоҳ дедилар: «Магар бу тўхфа эмас-ми?»

— Мен асални насияга бергандим, пулини эрта-га олсан, — дейишди.

— Ким сента шундай деди?

— Саҳобаларимиздан бири. Расулдуллоҳ асални-ниг пулини бердилар ва саҳобани қачириб ярим табассум билан дедилар: «Сен нима иш қилидинг?! Асал сотиб олишга пулимиз йўқмиди?»

Ибратли ҳикоятлар

Саҳоба деди: «Уша қуни енимда пулим йўқ эди, лекин асал яхши экан. Сиздан пул сўрашга хижо-лат чекдим. Яхши асалдан бенасиб қолмайлик деб шундай қилим». Расулдуллоҳ унинг тўғноҳида ўтдилар.

ТУЯНИНГ БОЛАСИ

Мушриқлар билан жангда мусулмон навқарла-ридан бирининг туяси шикаст ели ва у Расулдуллоҳ-нинг енига келиб битта туя сўради. Расулдуллоҳ дедилар:

— Ҳозир айтаман, сента битта туянинг боласини беришаш.

— Е, Расулдуллоҳ! Туянинг боласини нима қиламан? Менга жангга кириш учун яхши туя керак.

— Балли, сента яхши туя беришаш, ҳозир миниб кетасан.

Унга яхши туяни келтиришди, ҳайрон бўлиб турган эди, Расулдуллоҳ дедилар:

— Ахир бу ҳам қайсидир бир туянинг боласи эмасми?!

ЯХШИ АХЛОҚ

«ҚУВНОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР» ТАНЛОВИ

Йўлдош Охунбобоев ном-ли Республика тиббиет билим-юрти узининг 75 йиллик тан-лов шартлари ранг-баранг бў-либ, ундан саломлашув, Ўзе-кистон мустақиллиги, Конс-титутция ҳақида, Ғалабанинг 50 йиллиги ва тиббиет ҳамши-расининг амалий ишлари мав-зулари урин олди.

Еш тиббиетчилар танлов да-вомида ўзларининг ҳақиқатдан ҳам зуқко, чакқон ва талбир-кор эканликларини намойиш қилидилар.

ТАНБАЛ

Бир танбал киши дарахтга суяниб, қушлари юмуқ ўлда дам олаётган эди. Бог ичидан ўлиб кетаётган «кинчи бир киши танбалнинг оёғига илон келаетта-нини қуриб қолди ва зудлик билан:

— Биролар, оёғингизга илон ақиллашяпти, — деди.

— Чап оёғимгами эки ун оёғимгами? — деди танбал киши. У оёғини қутаргунг — илон қақиб ҳам улгурди.

Қиссадан хитас: танбаллик инсон ҳаётини хавф остида қолдиради.

МИТТИ ЧУМОЛИ

Қушлардан бир қуни кичкина бир чумоли бутдой доинини қуриб қолди. У қанча ҳаракат қилмасин бут-дой доинини жойидан қузғата олмади. Кичкина чумоли ўз дустларини ердагача қачирмади. У елгиз ўзи доини уйга элтмоқчи бўлди. Шу вақт катта бир чумоли келиб, доини олиб кетди. Кичкина чумоли эса пушаймон бўлиб қолди. Лекин кейинги пушаймон унга душман эди.

Форе тилидан

Баҳриддин ТУРҒУНОВ таржимаси.

Нихоят ҳақамлар ҳайъати барча шартлар бўйича нати-жаларни тарозуга солиб қу-риб, Й. Охунбобоев номли билим юрти талабалари мусоба-қада ғолиб чиққанликларини эълон қилди. Иккинчи ва учин-чи уринлар эса Тошкент тиб-биет институти қошидаги тиб-биет билим юрти ҳамда Тур-сунқужаева номидаги билим юр-тларига насиб этди.

Насиба МУХИБОВА.

ҚУРБОНЛАР ХОТИРАСИНИ ЁД ЭТИБ

Ватанимизда фашизм устидан қозонилган Ғалабанинг 50 йиллиги муносиб нишонланди.

Куксиларида жанговар орден ва медаллар порлаб турган фахрийлар, қуролли қучиларимиз вакиллари, меҳнат ва жамоат ташкилотларининг намоёндалари инсониятнинг фашизм балосидан асраб қолишга қатъия қарор қилган мушаккал қўллар билан қўлларини қўйиб, дахшати урушда ҳалок бўлган хотираси олдига бош эгиш ниятида 9 май — Ғалаба кунини Тошкентнинг Муҳаббатлиқ майдонига келдилар.

...Эрталаб соат 10. Фахрий қорувул саф тортган. Ҳарбий оркестр содалари остида бош майдондаги Номаълум аскар қабрига Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов номидан, республика Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси, Мудоффа вазирлиги, Фахрийлар ташкилотлари уюшмаси кенгаши, Тошкент шаҳар ҳокимлиги ва жамоат ташкилотлари номидан гулчамбарлар қўйилди.

Бир дақиқа сукат сақлаб, қурбонлар хотираси ёдга олинди.

Урушда оғир жароҳатланиб, Тошкент ҳарбий госпиталларида ҳаётдан барвақт қў юмган жангчилар дафн этилган Волгоград қўрасидаги «Биродарлик қабристон» ҳам шу айём кунини оқлаб билан тавжум бўлди. Бу

ерда қал қутарган «Мотасаро аёл» ёлорлиги пойига ҳам гулчамбарлар қўйилди.

Маросимларда Ўзбекистон Олий Мажлисининг Раиси Э. Халилов, республика Бош вазир А. Муталов, Бош вазирнинг биринчи ўринбосари, Ғалабанинг 50 йиллигига бағишланган байрамга тайёргарлик қилиш ва уни нишонлаш республика ташкилот қўмитаси раиси И. Журабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчилари, Олий Мажлис Раисининг ўринбосарлари, Бош вазир ўринбосарлари, Тошкент шаҳар ҳокими К. Тулганов қатнашди.

Байрам кунини пойтахтимизда, Қорақалпоғистон Республикаси ҳамда вилоятлар марказларидаги барча майдонларда, маданият ва истироҳат боғларида, дам олиш масканларида халқ сайиллари кечгача давом этди. Уруш қатнашчилари ва мамлакат ичкарисидан фидокорона меҳнат қилиб, ғалабани таъминлашга муносиб улуш қўшган кишилар билан қизикarli учрашувлар, кечалар ва давра суҳбатлари бўлди, катта концерт дастурлари, турли томошалар намойиш қилинди, спорт мусобақалари ташкил этилди.

Кечқурун эса республикамиз пойтахти Тошкентда Ғалабанинг 50 йиллиги шарафига мушакбозлик бўлди.

(Ў.А.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҒАРМОНИ

Б. ИБРАГИМОВНИ (МАРХУМ) «ЖАСОРАТ» МЕДАЛИ БИЛАН МУКОФОТЛАШ ТУҒРИСИДА

Мамлакат вафодарлигини таъминлаш ишига қатъия қарор қилган ва бунда марҳум ҳамда жасорат қўрсатганлиги учун Баҳром Ибрагимов (мархум) «Жасорат» медали билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 май.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҒАРМОНИ

З. О. ҒАЙИЕВГА «ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИДА ХИЗМАТ ҚЎРСАТГАН АХОЛИГА ХИЗМАТ ҚИЛИШ СОҲАСИ ХОДИМИ» ФАХРИЙ УНВОНИ БЕРИШ ТУҒРИСИДА

Савдо соҳасидagi кўп йиллик самарали меҳнати, республика аҳолисини халқ истеъмоли моллари билан таъминлашга қўшган ҳиссаси ҳамда жамоат ҳаётида феои иштирок этганига учун Ўзбекистон давлат акционерлик «Савдо» уюшмасининг раиси Зафар Омоновни Ғайиевга «Ўзбекистон Республикасида хизмат қўрсатган аҳолига хизмат қилиш соҳаси ходими» фахрий унвони берилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1995 йил 8 май.

Неъматжон қўлтиқтағини дуқиллатиб бир оёқда уйга қириб кетганида Донохон икки қўлини унинг буйнига ташлаб, дод солиб юборди. Унинг фареди эрини бир оёқда қўриб қўйганиданмас, балки боши омон қайтганига шодланганидан эди. Унинг ҳаяжонига қўшнилар, уларнинг болалари ҳам қўшилишганди.

Неъматжон маҳалланинг қуза қўринган, хушмуомала, қўли қўй йилгиларида элига. Уни қўроқ қичқилари яқин қилган нарсаси тикувчилик ҳунари эди. Оёқ маҳалинада тиккан бежирим қўлқалча, шим, камзулчалари болакайларга ярашиб турарди. Шу сабаб унга иши тушмаган ота-она кам. Ахир қим ҳам ўз болажонини янги кийим билан ясангиртиса, қўвонтиртиса келмайди, дейсиз. Неъматжон урушга кетгиди-ю худ-худа қадри улди одамларга. Унинг қирғин-баротдан омон қайтганида яқинлари қанчалик қўвоншмасин, аммо ногирон бўлиб қолгани қўнғилларин ҳазилсизкам вайрон этмаганди. Энди севган ҳунарига уннаш, қадрдон машинасини ишлатишдан маҳрум бўлгани алам қилди.

ҲАКИМ НАЗИР

Ўзбекистон халқ ёзувчиси.

ПРОДА

(Хикоя)

ларди узиға. Бироқ табиатидаги хушфайлиқ, ялҳақлик, бардошлилик унга мадд бериб турарди, узиға тушқунлик, ноумидликни йўлатмасди. Бекор ўтириш олдига ҳам ет эди унга. Эрмак қилиб, тез орада қўлоқлана-қўлоқлана уй юмушларига қўймана бошлади. Хотини Донохон эса унинг йўлини тўсди:

— Қўйинг, аласи. Ҳар қанча юмуш бўлса узимдан қолмайди. Ортиқча ўришни туғри келмайди сизга.

— Нега туғри келмасан? Худого шукр қўлим бутун, бекор туришга ургаманман.

Барибир Донохон эринини қўлидан ишнини тортиб оларди, уртала келишмовчилик чиқиб турарди. Қўроқ келишмовчилик ситирини боқилди бўлди. Бир кун Донохон эрининг терлаб-пишиб ситирга хашак, кепаскалардан терт қориб ўтирганини қўригиди, қўлиниб кетди.

— Сизга қим қўли бунақа ишини? Тўқатингиз. Шунча йил ўзини қилиб юрган ишнинг энди қилдирмасининг! — деб эрининг олдидан тоғора, елдоқларни олиб қўйди. Узини қўлтиқдан базур қутариб етаклашганича айвон лабига обориб ўтқизди. — Иккинчи шунақа ишга унганганингизни қўрсам, қаттиқ хаф бўлман, эшитдингизми аласи?

Хотинининг бу ҳаракати Неъматжоннинг қўлисини қўлатганига устига уқитирди ҳам.

— Наҳотки мен энди гулдаслар қаторига кириб қўйсамиз? Олдин гулдаслар иккита бўлган бўлса, энди учта бўлдими?

Эрининг ҳазилгига Донохон:

— Гулдаслар қўлайса омонми? Болалик уй бозор, дейишадик-ку! — деб ҳазил билан жавоб қилди.

Донохон эри урушга кетганда уч ёшли қизчаси бир ёшли ўғилчаси билан қолганди. Тиркичилик қанчалик оғир бўлмасин, гулдасларни очтаёлгоч қўймайсизка уринди. Бирини етаклаб, бирини оғичиб юриб, яқин ерданги ошхонада илдин ювувчи бўлиб ишладди. Илларидан вақт орттириб қийин бўлсада, уйдаги ситирини бир амаллаб боқиб келди. Унинг ортиқча юмушларга урғилиб ситилса қўриганини қўрган қўшчилар раҳм қилишиб: «Бир бошинига шунча ташвишим, Донохон,

Эрта тонгда Акмал Икромов тумани ҳокимлиги биноси қаршисидаги Акмал Икромов майдонига қарнай-сурнай наволари янгради. Бу ерда туманда истикомат қилувчи иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари хар томондан кела бошладилар. Уларнинг ҳокимлик раёбарлари тузлар билан иллик қўлиб олишди. Ва майдонга урнатилган дастурхонга тақлиф этилди.

Тантанали маросимни туман ҳокими Осмон Алихўжаев кириш сўзи билан очиб, йилгиларини Ғалабанинг 50 йиллиги билан таъбирлик экан, бу сананинг нафақат мамлакатимиз, балки жаҳон миқёсидagi буюк аҳамияти ҳусусида таъбирлик.

Мурод РАҲИМОВ.

Шаҳримиздаги «Исломобол» маданият марказида республика «Маҳалла» хайрия жамғармаси томонидан ташкил этилган Ғалабанинг 50

йиллигига бағишланган байрам тантанаси бўлиб ўтди.

Кечани республика «Маҳалла» жамғармасининг раиси, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг депутаты Шукр Темуров очиб, уруш даврида кек-

саларимизнинг қўрсатган матонати, жасоратлари ва ўз навбатида уларга ҳуқуқимиз томонидан қўрсатилган гамаҳуриликлар ҳақида гапирди.

Жамғарма томонидан барча уруш фахрийларига совғалар топширилди.

Дония ЗОКИРОВА.

Ўзбекистон Республикаси ИИВ транспорт Ички ишлар бошқармасига Ғалабанинг 50 йиллиги муносабати билан пойтахтда истикомат қи-

лувчи уруш ногиронлари ва фахрийлари тақлиф этилди. Улар туқин дастурхон устида уларнинг ешлик чоғларини эслашди.

Дамир ИСМОИЛОВ.

Шайхонтоҳур туманидаги «Нав-

руз» маҳалласида «Таъзимламиз сизга ҳамиша» деб номланган адабий-мусиқий кеча бўлиб ўтди. Кечата уруш жантҳоқларида қатнашган ҳамда фронт орқасида меҳнат қилган табаррук кексалар бир пиёла чойга тақлиф этилдилар. Улар ўзларининг бошидан кечирган хотиралари, дустларининг қаҳрамонликлари ҳақида сузлаб бердилар.

Доню ЗОИРОВА.

Мирзо Улутбек туманидаги Амир Темур маҳалласида ҳам уруш ва фронт ортида қаҳрамонлик ҳамда фи-

дойлик намуналарини қўрсатган қўллар фахрийлар истикомат қилишди. Ана шу кишиларни шарафлашга бағишлаб маҳаллада ўтказилган тадбир ўзгача руҳда ўтди. Маҳалла котиби Немайтилла Ҳикматиллаев кўксилари орден ва медаллар билан бурқланган фахрийларни Ғалабанинг 50 йиллик қўлуг байрами билан қизгин муборакбод этди.

Санд БОТИРОВ.

Юнусобод туманидаги Мирза Юсуф маҳалласида бўлиб ўтган тантана ҳам ҳаммининг эсида қолди. Туқин дастурхон атрофида уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилган кишилар, қўшини маҳалалардан меҳмонлар тақлиф этилди.

Маҳалла оқсоқоли Ҳатмат Иброҳимов йилгиларини Ғалабанинг 50 йиллик қўлуг байрами билан қизгин муборакбод этди.

Шарифхўжа ТУРДИХЎЖАЕВ, уруш ва меҳнат фахрийси.

Суратли ахборот

МАМНУН БЎЛИШСА БАС

Сайилгоҳ қучасидан байрамларда, тантаналарда ўтганмисиз? Қучанинг икки бетини тўлдириб халқимизга ноз-неъмат тутиб турган пазандаларга қўзингиз тушган бўлса керак. Улар эрта саҳардан то қош қорайгунча хизматда бўладилар. Меҳнатлари эвазига «ошингиз жуذا ширин бўлибди, раҳмат», деган сўзни эшитишса қийна.

Бу йилги Ғалабанинг 50 йиллиги алоҳида қутаринки руҳ билан нишонланди. Азим шаҳримизнинг ҳамма сулим тўшаларида байрам тантаналари авжига минди. Анҳор соҳили ҳамда Сайилгоҳ қучалари айниқса, ниҳоятда серфайз қўриниш касб этди.

Юнусобод акционерлик жамиятига қарашли «Гулноз» кафе-син таркибидagi «Ўзгал таом» ошхонаси дам олтувчилар билан тавжум бўлди. Бу ерда моҳир ошпаз Анвар Абдуқодиров ва Ғайрат Аҳмедовлар дамлаган хушбўй палов, қабоблаз Азиз Солиев тайёрлаган юмшоққина қабоблар барчага манзур бўлди. Биронта тўй-томоша, маърака йўқки аччиққина дамланган ҳинд чойио 95 сиз ўтган бўлса. Чойхоначи Бахтиёр Жураевнинг ширин сўзига исли-иловий чойи барчани хушнуд қилиш шубҳасиз. Унинг шоирлиги Шероод Расуллов ҳар бир киши бу дароҳдан қўнғилқўшқилик билан чиқиб кетиши учун тиниб-тичғимай меҳнат қилди.

— Ҳаммамиз одамларнинг кайфияти хуш бўлиши учун қамарбастамиз, — дейди бош ошпаз Абдуқарим Абдуллаев. — Бунинг учун сиқилдилан ўз



касбининг севишнинг, одамлар учун хизмат қилаётганлигини аниқлашнинг қийна.

«Ўзгал» қаҳвахонасининг директори Орифхўжа Солиқхўжаев ҳам унинг сўзларини тасдиқлади.

Ўз касбининг моҳир устала-

ри, ширинсуз, икки қўли қўқсида бўлган ошпазларининг меҳнатига, муомаласига минг марта раҳмат дегимиз келаяди.

Тоҳир ЙЎЛДОШЕВ.

СУРАТЛАРДА: «Ўзгал таом» ошхонасининг умумий қўриниши; пастадаги суратларда: ошпаз

Ғайрат Аҳмедов иш устида (чапда); чойхоначи Шероод Расуллов хамиша хизматга тайёр (ортада); Азиз Солиев пиширган қабоблар хурадаларга ниҳоятда манзур бўлади.

Рустам Шарипов олган суратлар.

МЕҲНАТГА БАХШИДА ҚАЛБИМИЗ МАВЖИ

Уруш қирғинлари қўзим ўн-ғида,
Она, деб зорланган етим болалар.
Нуктадай танг қотган дала сўнгиди,
Дарахтлар шамолда қилар нолалар.

Жангчилар пийда ўтган масофа!..

Олис уфқларга туташ қон-ли йўл.
Шаҳарлар қаробга, қишлоқ қаробга...
Тинчликка элтиб ўша шон-ли йўл!

Етдим деганида ўққа учганлар...
Музаффар қадамлар, голиб нашида.

Тарих варағидан номи ўчганлар...
Бош эгган аёллар — ҳижрон қошида!
Мушаклар уммони — йўқ, осон эмас,
Улар қўнғилларда ёқилган чирок.
Енгмоқлик — ҳамиша бу осон эмас...

Бу энди дилларни титратган дийдор,
Бу энди қондан қучоғи гав-жум...
Бўлмагани яқини урушининг зинҳор,
Меҳнатга бахшида қалбимиз мавжи!

САЙЁР.

Менинг болалигим урушини қўрган,
Қишлоқ йўллариди адашиб, толиб.
Ўзин кечалари қат ташиб юрган,
Гоҳи меҳор олиб,
Гоҳи қаҳр олиб...

Менинг болалигим урушини қўрган,
Қишлоқ йўллариди адашиб, толиб.
Фикат хатлар ўқиб савод чиқарган,
Гоҳи меҳор олиб,
Гоҳи қаҳр олиб...

Абдулҳай НОСИРОВ.

Девордаги суратга қизим тикилганича,
Ўз ҳолимага қўймайин, баноғоҳ сўраб қолди:
— Дадга, Акром бобомлар урушда ўлганми?
Ҳа жавобим эшитгач, — қўзлари ёшга тўлди.
— Ҳўй мунисин, ўртанима, юрғинини эзмагин,
Хўйрамага солмагин, у дахшатли дамларни.
Ўша суронли йиллар олиб кетди бобонгдек —
Неча-неча аёл қотди, азамат одамларини.
Мабоодо омон қайтса, юрмайсди гердайиб гоз,
Сенинг бобонг ажайиб, қамтарин инсон эди.
Арзир-арзимас ишини ҳаммага қилиб қўз-қўз...


Нетайлик, қонли уруш унинг бошига етди.
Бас, умидим, йиғлама, ҳаёлотта чўммагин,
Қўзларинг қувноқ қулсин, ҳеч ёшларга тўлмасин.
Ҳеч бир инсон бемаврид йўқолмасин ҳаётдан,
Бахтимизга дунёда энди уруш бўлмасин!

Азиз АҚРОМОВ.

ТОПҚИРЛИГИНГИЗНИ СИНАБ ҚУРИНГ

1. Брест қалъаси ҳимоячиларидан бири, ўзбек жангчиси. 2. Она дийр. 3. Ўзбек-жангчи шоири. 4. Артиллерия қуроли. 5. Уч буюк давлат уртасида конференция ўтказилган шаҳар. 6. Урушда қатнашган ўзбек асли. 7. Андижонлик қаҳрамон. 8. К.А.Мерцков қўмондонлик қилган фронт. 9. Дон дарёсининг урта оқимига жойлашган шаҳар. 10. Стратегик гуруҳларидан бири. 11. Ғалаба байроғи тикилган шаҳар. 12. Ғижувонлик қаҳрамон. 13. Қўшнларимиз озод этган Польшадаги шаҳар. 14. «Сен етим эмассан» бадиий фильми режиссери. 15. «Баҳорнинг ўн етти лаҳзаси» фильми қаҳрамони. 16. «Сен етим эмассан» фильмидаги она образи ижрочиси. 17. Ҳарбий банди. 18. Биринчи ўзбек генерали. 19. Жанговар нашр. 20. Ҳарбий бошлиқ ерламчиси. 21. Зебо Ғаниева номи ашуда ва ракс дастаси аъзоси, машҳур санаткор. 22. Польшадаги қонлилар. 23. Афсонавий партизан. 24. Рейхстаг устига ғалаба байроғини тиккан жангчи. 25. Қирувчи самолётлар яратувчиси. 26. Ҳарбий майдонларда хизмат қўрсатган машҳур тиббиёт ходими. 27. Ватан замини бошланганган нуқта.

Тузувчи: Фаёз АБДУҚАХХОР ўғли.



Икром ака бир умр ҳарбий кийимини ечмаганлардан. Аввалига 1941 йилнинг май ойида ҳарбий хизматга қақирилди. Хизмати табиийки, босқинчиларга қарши бўлган урушга улашиб кетди. Урушдан сўнг эса ИИБнинг урта мактабига кириб ўқиди. Ва умрини шу соҳа хизматига бағишлади.

Дарҳақиқат, Икром аканинг ва ўша пайтларда қўнғилнинг ҳаёлига ҳарбий хизмат муддати уруш билан улашиб кетди деган фикр ақин ҳам йўламаганди. Янги қақирилганларини аввали-



Ҳамшахарларимиз

БОБОЛАРИ БИЛАН ФАХРЛИНИШАДИ

Украина, Белоруссия, Польша... Олға юриш шу йўнашлар бўйича пиёда давом этди.

Уша кунлар ҳақида ҳар қанча хотиралар биттиш, ҳозирги ва келажак авлодлар учун етказиб бизнинг буйини миздаги қарз, — дейди Икром ака. — Жанглардаги муваффақиятларимизда алоқачиларнинг хизматлари алоҳида. Ахир у пайтларда радиоалоқа ривожланмаган, фақат симли алоқа йўлга қўйилган эди. Алоқачилар ўзлари билан оғир ва қўноқ симлар урамини олиб юришар, ҳар қандай шароитда буйруқ бўлиб дегунча алоқани тиклаш зарур бўлар эди. Энг дахшатлиси — қўнғича дўшман мерганларига нишон бўлиб, уларнинг қўз олдига ишланганига тўғри келарди. Нетаки, алоқа симлари асосан тепалиқлардан, фронтнинг олдинги қизигдан ўтади. Ҳал қилувчи жангларда Икром ака взвод командири эди.

Ғалаба кунини Берлинда

кутиб олган. Икром ака 1946 йили она шаҳри Тошкентга қайтди. Бу пайтда унинг қўқси нишонлар шодасидан ялтираб турарди. Хурсандчиликларнинг ховури босилмай туриб, уша йилнинг узидаёқ ИИБнинг урта мактабига ўқиниш кирди. 1950 йилдан то 1985 йилгача аҳолиқўзатиш меҳнат бўлимида турли лавозимларда фаолият қўрсатди. Полковник унвонига эришти. Давлат ва ҳукумат томонидан қўллаб муқофотлар олди. Ҳозир нафақадда. Бироқ, тиниб-тинчимайди. Яққасарой туман уруш ва меҳнат фахрийлари кенгаши ишида, маҳалла қўмитаси фаолиятида қўлдан келадиган хизматларини аймақтир.

Нодир МАХМУДОВ.


СУРАТДА: Икром ака Отабеков набираси билан.

Бош муҳаррир
Эркин ЭРНАЗАРОВ

ТИЖОРАТ ХАБАРПАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

- 17.55 Кўрсатувлар тартиби.
- 18.00 Ўсимлар учун. «Улғайиш поғоналари».
- 18.30 «Мультипанорама».
- 19.05 «Ойнаи жаҳонда...»
- 19.25 Ўзлонлар.
- 19.30 «Ҳафтонома». (рус тилида).
- 20.00 Ўзлонлар.
- 20.05 «Якшанба оқшомида». Мусикий кўрсатув.
- 20.55 Ўзлонлар.
- 21.00 «Ҳафтонома».
- 21.30 Ўзлонлар.
- 21.35 «Болалигим, сени соғиндим».

Юлдуз Усмонованинг янги концерт дастури.



гоналари».

18.30 «Мультипанорама».

19.05 «Ойнаи ҳахонда...»

19.25 Ўзлонлар.

19.30 «Ҳафтанома» (рус тилида).

20.00 Ўзлонлар.

20.05 «Якшанба оқшомида». Муси-
кий кўрсатув.

20.55 Ўзлонлар.

21.00 «Ҳафтанома».

21.30 Ўзлонлар.

21.35 «Болалигим, сени соғиндим».

Юлдуз Усмонованинг янги кон-
церт дастури.

22.35 «Нашар» саҳифаларида.

23.00—23.30 «Ҳафтанома».

ЎЗТВ II

«ОМАД» таништиради:

10.00 «Омад» тақвими.

10.05 «Кўнгил».

10.10 «Ҳозиба».

10.30 «Бир шигил хангома».

10.40 «Ишингиз бароридан кел-
син!».

10.50 «Мухаббатга ошно қалблар».

11.10 «Теле-ателе-шоу».

11.20 Видео янгиликлари.

11.45 Янгиликлар.

Манзилими: Метронинг «Тошкент» бекати олдин
нипта сотиш темир йул кассалари қаршисида.

11.50 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари ва
Эълонлар.
12.35 «Киноингоҳ».
14.15 — 14.35 Жаҳон янгиликлари
(«Эй-Би-Си»).
* * *
17.00 «Совга».
17.30 «4/8». Мусикий кўрсатув.
17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Эълонлар.
18.45 Видео — «О».
20.25 Эълонлар.
20.30 «Курьер».
20.50 «... яна об-хаво ҳақида».
21.00 «Постфактум».
21.10 Жаҳон янгиликлари («Эй-Би-
Си»).
21.30 «Эм-Ти-Ви» оҳанглари.
21.50 «Панорама».
22.20 Эълонлар.
22.25 «Кирил репортажи».
23.10 «Даракчи».
23.20 Эълонлар.
23.25—01.05 Видео — «О».
УзТВ III
ХАЛҚАРО ТЕДЕКАНАЛ
9.00 Аэробика.
9.15 «Жонли сайёра».
9.35 «Коллекция».
9.55 Мелодия.

10.35 «Менинг кучам».
10.50 «Эсдалик учун дастхат».
11.15 «Кинематограф».
12.55—13.05 «Ўзбекистон янгиликла-
ри» (инглиз тилида).
* * *
17.10—18.40 Туркия телевидениеси.
*
18.40 «Вақт ҳакам».
19.10 «Мамлакатлар, воқеалар,
одамлар».
19.35 «Дунё эшиги».
20.15 «Дурдарсин» телекомпанияси-
нинг кўрсатувлари.
21.15 «Юксалиш».
21.55 «Олмонининг олтин ҳазина-
си». 3-кўрсатув.
22.35 «Би-Би-Си» янгиликлари.
22.45 «Бу ажиб дунё».
23.05—23.15 «Си-Эн-Эн» янгиликла-
ри.

«ОСТАНКИНО»
ТЕЛЕКАНАЛИ

18.00 «Юзма-юз».
18.30 «Бадардаги нур». Телевизион
бадий фильм («Ленфильм».)
19.50 «Нима? Қаерда? Қачон?».
21.00 «Қишанб». Ахборот-публи-
цистик кўрсатув.
21.50—22.55 «Марус». Телесериал.
3-филм. 4-серия.

Нашир кўрсаткичи - 64690.

Тираж—11918

please.

ашриёт-матбаа конуерни
аси. Корхона маъзили:
Пурон" кўласи, 44-уй.